

РЕФЕРЕНДУМДА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИ БИЛАН ИШЛАШ


КҮРИБ ЧИҚИЛАДИГАН
МАСАЛАЛАР:



- 1 Референдумда овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини шакллантириш тартиби
- 2 Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини СЖБАТдан юклаб олиш ва унга аниқлик киритиш
- 3 Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати билан фуқароларни таништириш
- 4 СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровномани тўлдириш ва овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилаётган ўзгаришларни кузатиб бориш
- 5 Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати иловасига овоз берувчи фуқароларни киритиш тартиби

РЕФЕРЕНДУМДА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РЎЙХАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

**Овоз берувчи фуқаролар
рўйхати участка
комиссияси томонидан
Сайлов жараёнини
бошқариш бўйича ахборот
тизими (СЖБАТ)даги
сайловчиларининг Ягона
электрон рўйхати (СЯЭР)
асосида тузилади.**



Сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (СЖБАТ)



Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссияси СЖБАТ ва
унинг таркибига кирувчи
СЯЭРнинг эгаси ва уни
такомиллаштириш бўйича
буортмачиси ҳисобланади



Участка сайлов
комиссиялари СЖБАТдаги
тегишли ҳудуд бўйича
сайловчи фуқаролар
рўйхатидан фойдаланиш
имкониятига эга

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАР РҮЙХАТИ

**Ҳар бир фуқаро овоз берувчи фуқароларнинг фақат битта
рўйхатига киритилиши мумкин**

- Референдум кунига қадар ёки референдум куни **18 ёшга тўлган**




- рўйхат тузилаётган пайтда мазкур референдум участкаси ҳудудида **доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган** Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилади



Суд томонидан **муомалага лаёқатсиз деб топилган** фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун **суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар** овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилмайди.

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РЎЙХАТИНИ СЖБАТДАН ЮКЛАБ ОЛИШ ВА УНГА АНИҚЛИК КИРИТИШ

- 01** Участка комиссияси котиби СЖБАТга кириш ҳуқуқини олиш учун округ комиссиясига мурожаат қилади. Округ комиссияси котиби СЖБАТга кириш ҳуқуқини **участка комиссияси котибига тақдим қилади**.
 - 02** Участка комиссияси тузилганидан сўнг **уч кун ичида** комиссиянинг котиби СЖБАТга кириб тақсимланган мазкур участкада овоз берувчи фуқароларнинг **дастлабки рўйхатини юклаб олади**.
 - 03** Комиссия котиби овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини текшириб чиқади, чоп этади ва участка комиссияси раисига **тақдим қилади**.
 - 04** Участка комиссиясининг раиси комиссия аъзоларига овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларнинг **тўғрилигини аниqlаштириш** учун **тақсимлайди**.



ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИНИ СЖБАТДАН ЮКЛАБ ОЛИШ ВА УНГА АНИҚЛИК КИРИТИШ

Участка комиссияси овоз берувчи фуқароларнинг дастлабки рўйхатини олганидан сўнг мазкур референдум участкаси ҳудудида яшовчи овоз берувчи фуқароларни **аниқлаштириш чораларини кўради.**

Ҳокимликлар, тегишли идоралар, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғинлари, участка инспекторлари участка комиссияси сўровига асосан мазкур референдум участкаси ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролар ҳақида маълумотларни **24 соат ичидага тақдим этишлари шарт.**



Участка комиссияси аъзолари референдум участкаси ҳудудида яшовчи овоз берувчи фуқаролар тўғрисида маълумотларга зарурат бўлганда, **уйма уй айланиб чиқиш орқали аниқлик киритади.**




Участка комиссияси овоз берувчи фуқаролар рўйхатини тузиш ишларига жамоатчилик вакиллари ва волонтёрларни жалб қилиши мумкин. Туман ва шаҳар ҳокимликлари овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИНИ СЖБАТДАН ЮКЛАБ ОЛИШ ВА УНГА АНИҚЛИК КИРИТИШ

Участка комиссияси аъзолари уйма уй айланиб чиқиш вақтида фуқароларнинг:

- **овоз бериш куни ушбу референдум участкаси ҳудудида бўлиш бўлмаслигига;**
- **овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатидаги ушбу фуқароларга оид маълумотларда хато камчиликлар бор йўқлигига аниқлик киритади.**



СЖБАТДА БЕЛГИЛАНГАН ШАКЛДАГИ ЭЛЕКТРОН СҮРОВНОМАНИ ТҮЛДИРИШ ВА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАР РҮЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИШ

Референдум участкаси ҳудудида
вақтинча истиқомат қилаётган
фуқаролар борлиги аниқланса, бироқ
улар ушбу референдум участкасида овоз
берувчи фуқаролар рўйхатига
киритилмаган бўлса ҳамда ўзаро сухбат
чоғида уларнинг овоз бериш куни ушбу
референдум участкаси ҳудудида бўлиши
аниқланса, улардан хоҳишига кўра
Референдум участкалари ҳамда
участка комиссиялари тўғрисидаги
низомнинг 11-иловасига мувофиқ
намунадаги ариза олинади.



Ариза

Референдумда овоз бериш хукукимни таъминлаш мақсадида мени яшаш манзилимга тегишли бўлган ____-сон референдум участкасининг овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритишингизни сўрайман.

Менинг шахсий маълумотларим:

| Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, оий ва куни | Паспорт (ёки ID картаси) серияси ва рақами | Яшаш манзили | Телефон рақами |
|---------------------------------------|-------------------------------|---|--------------|-------------------|
| | | | | |

Фуқаро

Имзо

Ф.И.О.

Участка комиссияси аъзоси

Имзо

Ф.И.О.

*Ушбу ариза комиссия раиси ёки котиби томонидан қайдлов дафтарида рўйхатга олинади.
Шундан сўнг СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ўзгартириш киритиши учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гурӯхига автоматик тарзда юборилади.

СЖБАТДА БЕЛГИЛАНГАН ШАКЛДАГИ ЭЛЕКТРОН СҮРОВНОМАНИ ТҮЛДИРИШ ВА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАР РҮЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИШ



Агарда фуқаро овоз берувчи фуқаролар рўйхати билан (осиб қўйилган ёки электрон тақдим этилган рўйхатлар) танишиш жараёнида ўзи ҳақидаги маълумотлар хато киритилган ёки ўзи истиқомат қилаётган ҳудуддан бошқа ҳудудда жойлашган референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилганин аниқлаган тақдирда, бевосита ўзи истиқомат қилиб турган ҳудуддаги референдум участкасига бориб, юқорида қайд этилган намунадаги ариза билан мурожаат қилиши мүмкун.

Фуқаронинг аризаси комиссия раиси ёки котиби томонидан қайдлов дафтарида рўйхатга олинади, шундан сўнг СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гуруҳига автоматик тарзда юборилади.

| ИНН | Фамилия | Отчество | Пол | Серия и № паспорта | Дата рождения | Адрес проживания |
|------|------------|--------------|--------------|--------------------|---------------|-------------------|
| 1001 | Айтмуродов | Шабиржон оғз | Енин | АА0381999 | 25.05.1992 | Хорен кичик 23-ю |
| 1002 | Абдуллаев | Мавзуд | Енин | АБ0305414 | 13.09.1991 | Хорен кичик 23-ю |
| 1003 | Зулфигар | Сулаймонов | Рӯзин | АА0328426 | 31.11.1985 | Хорен кичик 23-ю |
| 1004 | Каримов | Якубов | Шабиржон | АБ0218843 | 25.06.1992 | Зирнай кечик 36-ю |
| 1005 | Каримов | Турсунбеков | Даврон оғз | АА0341999 | 15.01.1988 | Момонов кичик 1-ю |
| 1006 | Баронат | Касимов | Муродбеков | АА0796929 | 11.08.1995 | Хорен кичик 2-ю |
| 1007 | Насибат | Шерифов | Тошибек оғз | АБ0305414 | 31.12.1994 | Турсун кичик 2-ю |
| 1008 | Бахор | Шерифов | Мамаджон оғз | АА0245326 | 16.04.1997 | Момонов кичик 4-ю |
| 1009 | Азизов | Айтмуродов | Енин | АБ0123447 | 16.04.1990 | Момонов кичик 4-ю |
| 1010 | Мурадов | Рустемов | Енин | АА0328489 | 23.11.1995 | Момонов кичик 4-ю |

Ишчи гурухи
электрон
сўровномани қўриб
чиқади
ва
СЖБАТдаги овоз
берувчи фуқаролар
рўйхатига
ўрнатилган
тартибда тегишли
ўзгартириш
киритади.

СЖБАТДА БЕЛГИЛАНГАН ШАКЛДАГИ ЭЛЕКТРОН СҮРОВНОМАНИ ТҮЛДИРИШ ВА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАР РҮЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИШ



ЁДДА ТУТИНГ!

Аризасига биноан референдум участкаси ўзгартырған ёки ариза билан қилмаган мурожаат фуқарони қорынан референдум участкасига үтказилишига ёки тортиб олинишига йўл қўйилмайди.




Шунингдек суднинг қарорига мувофик муомалага лаёқатсиз деб фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилишига йўл қўйилмайди.

СЖБАТДА БЕЛГИЛАНГАН ШАКЛДАГИ ЭЛЕКТРОН СҮРОВНОМАНИ ТҮЛДИРИШ ВА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАР РҮЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИШ

Овоз берувчи фуқаронинг ўз хоҳишига кўра берган аризасига мувофиқ қуийдагилар овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш учун асос бўлиши мумкин:

- овоз берувчи фуқаронинг тегишли референдум участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши;
- ёши ўн саккизга тўлганлиги;
- суднинг фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилингандиги ёки фуқаронинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганлиги.



ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИНИ СЖБАТДАН ЮКЛАБ ОЛИШ ВА УНГА АНИҚЛИК КИРИТИШ



■ Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи овоз берувчи фуқароларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати **ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.**

■ Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилади.



ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИНИ СЖБАТДАН ЮКЛАБ ОЛИШ ВА УНГА АНИҚЛИК КИРИТИШ



- Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкалари бўйича овоз берувчи фуқаролар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида участка комиссияси томонидан тузилади.
- Ушбу ташкил этилган референдум участкаларидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақида ушбу участка комиссияси бундай фуқароларни доимий ёки вақтинча яшаш жойидаги участка комиссиясига ахборот етказиш чораларини кўриши лозим.

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИНИ СЖБАТДАН ЮКЛАБ ОЛИШ ВА УНГА АНИҚЛИК КИРИТИШ

Хабардор қилинган участка комиссияси ўз референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ушбу овоз берувчи фуқаро бошқа референдум участкасида овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилганилиги ҳақида ёзув киритади ҳамда уни якуний баённомада участкасидаги овоз референдум берувчи фуқароларнинг умумий сонига киритмайди.



ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РЎЙХАТИ БИЛАН ФУҚАРОЛАРНИ ТАНИШТИРИШ

Овоз берувчи фуқаролар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда **фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш имконияти** ва **бошқа ҳуқуқлари тушунтирилади.**



ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИ БИЛАН ФУҚАРОЛАРНИ ТАНИШТИРИШ

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари референдумга камида ўн кун қолганида участка комиссияси котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, чоп қилинади, участка комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади, участка комиссияси муҳри билан тасдиқланади ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Ушбу рўйхатда овоз берувчи фуқароларнинг яшаш манзиллари кўрсатилмайди.




СЖБАТДА БЕЛГИЛАНГАН ШАКЛДАГИ ЭЛЕКТРОН СҮРОВНОМАНИ ТҮЛДИРИШ ВА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАР РҮЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИШ

Участка комиссияси овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилганидан кейин ҳам аниқланган хато камчиликларни бартараф этиш мақсадида референдумга **беш кун қолгунига** қадар овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгартириш киритиш учун ишчи гурӯҳларига электрон сўровнома юбориши мумкин.

Ишчи гурӯҳлари бу электрон сўровномани шу куннинг ўзида кўриб чиқиб, белгиланган тартибда ҳал этади.



ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИ БИЛАН ФУҚАРОЛАРНИ ТАНИШТИРИШ



Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда овоз берувчи фуқароларнинг якуний рўйхати референдумга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Ушбу рўйхатда овоз берувчи фуқароларнинг яшаш манзиллари кўрсатилмайди.

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИНИ СЖБАТДАН ЮКЛАБ ОЛИШ ВА УНГА АНИҚЛИК КИРИТИШ

Овоз берувчи фуқароларнинг
рўйхатларига ўзгартишлар
киритиш референдумга **беш кун**
қолганида тўхтатилади

Участка комиссияси
котиби референдумга **уч**
кун қолганида ўз
ҳудудидаги овоз берувчи
фуқароларнинг охирги
рўйхатларини СЖБАТдан
юклаб олади, чоп этади
ва участка комиссияси
раисига тақдим қиласди.




Ушбу рўйхат участка комиссияси
раиси ва котиби томонидан
имзоланади, участка комиссияси
мухри билан тасдиқланади,
шундан сўнг комиссия раиси
томонидан комиссия аъзоларига
овоз берувчи фуқароларнинг
фамилиялари алифбо
тартибида тақсимлаб берилади.

Комиссия аъзолари овоз бериш
куни овоз берувчи фуқароларга
бюллетенларни берганида ушбу
рўйхатга имзо қўйдиради.

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИ ИЛОВАСИГА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИ КИРИТИШ ТАРТИБИ

Овоз бериш куни бирон бир сабаб билан овоз берувчи фуқаролар рўйхатига кирмай қолган овоз берувчи фуқаролар шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (ушбу референдум участкаси ҳудудида доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганинги) тасдиқловчи ҳужжат асосида участка комиссияси раисига ёзма ариза билан мурожаат қилади.

Овоз берувчи фуқаронинг мурожаати асосида қайдлов дафтарига унинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар участка комиссияси раиси ёки котибининг ва фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади.



ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИ ИЛОВАСИГА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИ КИРИТИШ ТАРТИБИ


Шундан сўнг фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритиш масаласи қуидаги ҳаракатлар кетмакетлигига ҳал этилади:

1-ҳаракат: участка комиссияси раиси фуқаронинг референдум участкасини СЖБАТдан излаб топади;

2-ҳаракат: излаб топилган референдум участкасидаги комиссия раиси билан алоқа воситаси (телефон) орқали боғланади. Раис билан боғланиш имконияти бўлмаган тақдирда 3 ва 4-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича тегишли ишчи гуруҳга хабар берилади;



ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИ ИЛОВАСИГА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИ КИРИТИШ ТАРТИБИ




3-ҳаракат: ушбу участкада фуқаронинг овоз берган/бемаганлигини аниқлайди;

4-ҳаракат: овоз бемаганлик факти аниқланганидан сўнг, фуқаронинг овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловаси асосида овоз бераётганлиги ҳақида маълум қилади (фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритган участка комиссиясини хабардор қилади);

5-ҳаракат: фуқарони мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритади ва унга бюллетен беради.

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РҮЙХАТИ ИЛОВАСИГА ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИ КИРИТИШ ТАРТИБИ



Қуийдаги ҳолларда фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритиш рад этилади:

фуқаро СЖБАТдаги референдум участкаси бўйича овоз берган бўлса;

фуқаро доимий ёки вақтинча рўйхатга олинмаган яшаш жойи бўйича участка комиссиясига мурожаат қилган бўлса.

Бунда участка комиссияси раиси фуқаронинг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи бўйича бошқа референдум участкасида овоз бериши кераклигини тушуниради.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низомга

11-ИЛОВА

АРИЗА

Референдумда овоз бериш ҳуқуқимни таъминлаш мақсадида мени яшаш манзилимга тегишли бўлган ____-сон референдум участкасининг овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритишингизни сўрайман.

Менинг шахсий маълумотларим:

Фамилияси, исми,

отасининг исми Туғилган йили, ойи ва куни Паспорт (ёки ID картаси) серияси ва рақами Яшаш манзили Телефон рақами

Фуқаро _____

Имзо

Ф.И.О.

Участка комиссияси аъзоси _____

Имзо

Ф.И.О.

*Ушбу ариза комиссия раиси ёки котиби томонидан қайдлов дафтирида рўйхатга олинади. Шундан сўнг СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гуруҳига автоматик тарзда юборилади.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ
ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАР РЎЙХАТИ ИЛОВАСИ**

_____ - референдум округи

20 ____ й. «____»
(референдум санаси)

_____ РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИ

т/р Фамилияси, исми,
отасининг исми Турар жойи

(турар жойни тасдиқловчи ҳужжатга асосан) СЯЭРда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган референдум участкасининг рақами, туман ёки шаҳар, вилоят (референдум участка телефон рақами) Участка комиссияси раиси имзоси Участка комиссияси котиби имзоси Фуқаронинг овоз бериш бюллетенини олганлиги ҳақидаги имзоси

Изоҳ:

Ушбу илова референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низом талабларига қатъий амал қилган ҳолда тўлиқ тўлдирилиши шарт!

Ушбу талабга амал қилмаслик, референдум тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка сабаб бўлади.

Референдум участкалари ҳамда участка комиссиялари
түғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ

ОВОЗ БЕРУВЧИЛАР РҮЙХАТИДАН КҮЧИРМА (муддатидан олдин овоз берганлар бүйича)

- референдум округи

20-й. «»
(референдум санаси)

РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИ

Изоҳ! Мазкур рӯйхатга овоз берувчи фуқаролар тӯғрисидаги маълумотлар ёзув ручкаси орқали киритилади.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!